

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 189-ҳадис

189 – الثَّانِي: عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَايَعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى إِقَامِ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَالنُّصْحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 57، م 56].

189. Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга намозни барпо қилиш, закот бериш ва ҳар бир мусулмонга холис бўлишга байъат қилдим».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан Ислондаги уч муҳим иш ҳам баъзи бир байъатлардан қўшилганини билиб олмоқдамиз.

1. Намоз Ислоннинг асосий беш рукнидан бири. Диннинг устуни. У қоим бўлса, дин қоим бўлади.
2. Закот Ислоннинг асосий беш рукнидан бири. Ҳар бир жамиятда иқтисодий масалаларни тўғри ҳал қилишнинг асосий гарови.
3. Ҳар бир мусулмонга яхшилик йўлида насиҳат қилиш. Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий алоқаларини тўғри йўлга қўйишнинг асосий омилларидан бири.

Ушбу ҳадиси шарифдан олиндиған фойдалар, унинг ҳикмати ва аҳамияти очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Манба: hadis.islom.uz



